



Президент юрган йўлларда

"БУ МЕНИНГ МАҲАЛЛАМ"

Бугун Андижон туманидаги Садда таги маҳалласида яшовчилар фахр билан шундай дейди. Адирликлар бағрида қад ростлаётган Янги Андижон шаҳарчасига киришдаги бу маҳалла тарихида бугунгидек ўзгариш бўлмаган. Ҳаммаси замонавий, чиройли, ҳавас қилса арзирли.

Узоққа бормаёлик, охириги икки йилда ҳудуднинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Таъмирталаб йўллар, ичимлик сув тармоғидаги узилишлар, электр энергияси билан боғлиқ йиллар давомида қийнаб келаётган муаммолар. Энди бутунлай бошқача-янгиликлар ва яна янгиликлар.

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг

1 февраль куни Андижонга ташрифи чоғида айна шу маҳалла ҳаёти билан яқиндан танишди. 3 минг 600 нафар аҳоли яшайдиган оилалар, ердан унумли фойдаланишнинг ҳадисини олган маҳалла одамлари билан учрашди. Қай бир хонадонга кирманг, бир қарич ер бўш турганини кўрмайсиз. Ҳатто қаҳратон

қиш кунларида ҳам иссиқхоналарда иш қизғин. Йилнинг тўрт фаслида меҳнат қайнайди. Улар етиштирган сабзавот маҳсулотлари ички бозорни тўлдирмоқда, андижонликларга ризқ улашмоқда. Паррандачилик ва узумчиликда катта мактаб яратилган.

— Имкониятлардан фойдаланган ҳолда оилавий тадбиркорлик билан шуғулланамиз, — дейди Баҳромжон

Қурбонов. — Бир сотих жойдаги иссиқхонадан йил давомида уч бор ҳосил оламиз. Ҳозирда 45000 туп гул қўчати парвариш қилинапти. Шунинг ўзидан 150 миллион сўм даромад кутаямиз. Яна асалари боқамиз, кичик балиқхонамиз мавжуд. 30 та товуқ туҳумга бўлган эҳтиёжimizни қондирапти. Фарзандларим бўш вақтини бекор ўтказмайди. Томорқадан топганларимиз яхши мақсадларга сарфланмоқда.

(Давоми 3-бетда).

ҒОЛИБ БЎЛИШНИНГ СИРИ

"Hamkorbank" АТБ Чилонзор универсал банк хизматлари офиси корпоратив хизматлар бўлими етакчи менежери Нуржан Баҳрамов "Hamkor press" нишониди. У 2022 йил якуни бўйича йилнинг энг яхшилари қаторида эътироф этилди. Ўз касбига меҳр қўйгани ва масъулиятлиги сабаб бунга муносиб топилди.

Нуржан 1987 йилда зиёлилар оиласида таваллуд топган. Болалигидан аниқ фанларга меҳри бўлакча эди. Келажакда банк соҳасида ишлашни орзу қиларди.

4-бетда ўқинг.



Зухриддин УМУРЗОҚОВ олган сурат

Тошкент телеминораси

Тошкентнинг халқаро майдондаги ўзига хос ташриф қоғозига айланган бинонинг ўзига хос тарихи ва ўзгача бугун бор. Кимдир уни Урта Осиёдаги энг баланд бино сифатида билса, бошқалар учун у телевизорларимизга етиб келаётган сигналларни етказиб берувчи улкан антенна. Яна ким учундир гўзалликни англатувчи ўзгача гўша. Хўш, бугунги Тошкент телеминорасининг асл моҳияти нимада?

8-бет

● КУН ҲИҚМАТИ:

Кишилардан қандай муомала кутсанг, уларга худди шундай муомала қилгин.
ҒАЗЗОЛИЙ.

БУГУННИНГ БАХТЛИ ЁШЛАРИ



Президентнинг "2022=2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги Фармони ва Давлат дастури лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилди.

ЛОЙИҲА жамоатчилик муҳокамасида

Хужжатга кўра:

— 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб республиканинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳрида бошланғич синф ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлаш йўлга қўйилади;

— 2023 йил 1 июндан республиканинг барча аҳоли пунктларида транспорт воситалари ҳаракатлишининг энг юқори тезлиги соатига 70 километрдан 60 километрга туширилади;

— тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш ва жавобгарлигини либераллаштириш мақсадида 2023 йил 1 мартдан тадбиркорлик субъектларига нисбатан янги турдаги жавобгарлик ва жазо чораларини жорий этишга бир йиллик мораторий ўрнатилади;

— 26 минг нафар фуқарога бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари, шунингдек, 11 минг нафар фуқароларга бошланғич бадал ва фойз тўловларининг бир қисmini қоплашга субсидиялар ажратиш учун Давлат бюджетидан етарли маблағлар йўналтирилади;

— 2023 йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган лойиҳаларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 8 трлн. сўм, шундан "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари учун 4 трлн. сўм йўналтирилади;

— 2023 йил 1 июлдан "Маҳалла бюджети" тизимини барча туманлар ва шаҳарларда жорий этиш орқали маҳаллаларга ўз муаммосини мустақил ҳал этиш ҳамда ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун 800 млрд. сўмгача маблағ йўналтирилади;

— қуввати 20 кВт ва ундан паст бўлган қуёш, шамол ва биогаз электр станцияларини паст (0,23-0,4 кВ) кучлинишли электр тармоқларига улаш учун техник шарт олиш талаб этилмаслиги белгиланмоқда.

Россия нефтига нарх чегарасининг жорий этилиши муносабати билан январь ойида Россиянинг нефть ва газдан даромадлари учдан бир қисмга қисқарди, деб маълум қилди Халқаро энергетика агентлиги (ХЭА) раҳбари Фотиҳ Бирол.

РОССИЯ НЕГА 8 МЛРД. ЕВРО ЙЎҚОТДИ?

ХЭА маълумотларига кўра, январь ойида Россия нефть ва газ сотишдан ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8 миллиард еврога кам даромад олган. Агентлик ҳисоб-китобларига кўра, даромаднинг пасайиши 30 фоизни ташкил этди.

Биролнинг сўзлари-

га кўра, Россиядан нефть нархига ўрнатилган юқори чегара "нефть бозорларини барқарорлаштириш ва Москванинг экспорт даромадларини камайтириш" мақсадларига эришди. Хелсинки Энергия ва тоза ҳаво тадқиқот маркази (CREA) таҳлилларига кўра, Евро-

"Система" АФК Германиянинг Volkswagen автомобил ишлаб чиқарувчисининг Калугадаги заводини сотиб олишга қизиқиш билдирмоқда.

ҚОЗОҒИСТОН VOLKSWAGEN ЗАВОДИГА ХАРИДОР



Келишувда Қозоғистоннинг Allur компанияси ҳам иштирок этади, у бошқа нарсалар қаторида автомобиллар ишлаб чиқаради ва Хитойда Volkswagenнинг чиқарилиши билан боғлиқ хитойлик акциядорларга эга. Манбаларга кўра, улар VW моделлари ёки автомобилларини ўзларига яқин

тутиб, сайтни қайта ишга туширишни режалаштирмоқда. Таҳлилчиларнинг қайд этишича, бундан Туркиядан VW етказиб берувчилари ёки концерннинг Хитойдаги ҳамкорлари билан ишлаш орқали амалга ошириш мумкин.

АФК ва Allur изоҳ беришдан бош тортди. Фольксваген Груп Рус, вазиятни доимий равишда кузатиб боришларини ва турли сценарийларни кўриб чиқишларини айтди.

ҚИСҚАРАЁТГАН ЁВВОЙИ ТАБИАТ ВА ИНСОНИАТ УЧУН ЯНГИ ХАТАРЛАР



Халқаро ёввойи табиат фонди-

нинг 2022 йилги ҳисоботида кўра, сўнгги 50 йилда ёввойи табиат дунёси 69 фоизга қисқарган. "Биз табиатга суицид жангида мағлубиятга учраяпмиз", — деган эди БМТ бош котиби Антонио Гуттериш

вазиятни изоҳлаб.

69 фоизлик қисқариш нафақат табиат, ёввойи олам, балки инсоният, унинг барқарор турмушига ҳам турли хавфлар пайдо бўлганини англатади. Инсон табиат билан чамбарчас боғлиқ яшайди, биохилма-хиллик эса бунда жуда аҳамиятли.

КХДР ҲАВО ШАРИ ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ҲАВО ҲУДУДИДА

Жанубий Корея ҳарбийлари мамлакат ҳаво ҳудудига Шимолий Корея ҳаво шари кирганини маълум қилди. Ҳарбийлар 5 февраль кунни мазкур шарни кузатган, у ҳеч қандай хавф туғдирмаслиги маълум қилинган.

Жанубий Корея Мудофаа вазирлиги баёнотида бунга жавобан номаълум "чоралар" кўрилгани қўшимча қилинади. Ҳаво шари Жанубий Корея ҳаво ҳудудини бир неча соатдан кейин тарк этган. Расмийлар бу айғоқчи шар эмаслиги, балки митеозонд эканини айтмоқда.

Мазкур маълумот АҚШ осмонида Хитойнинг учар объекти аниқланганидан сўнг пайдо бўлди. Бу эса Пекин билан муносабатларни янада кескинлаштирди, Хитой ҳаво шари метеорологик мақсадларда учирилганини иддао қилди. АҚШ ҳарбийлари учар объект стратегик объектларни кузатишга мўлжалланганини маълум қилиб, қирувчи самолётлар ёрдамида уни уриб туширган.



Россия бюджети тақчиллиги январь ойида 1,76 триллион рублни ёки 25 млрд. долларни ташкил этди. Бюджет даромадлари ўтган йилга нисбатан 35 фоизга камайди, харажатлар эса 59 фоизга ўсди. Бу ҳақда Россия Молия вазирлиги таянб "Коммерсант" хабар берди.

РОССИЯ ОЛТИН СОТИШНИ БОШЛАДИ

Қайд қилинишича, 2023 йил бюджетидан 2,9 трлн. рубл микдоридан тақчиллик бўлиши аввалдан назарда тутилган эди. Унинг катта қисми йилнинг биринчи ойидаёқ шаклланиб улгурган.

2023 йил январь ойида Молия вазирлиги бюджет тақчиллигини қоплаш учун биринчи марта Миллий бойлик жамғармасидан (МБЖ) 3,6 тонна олтин ва 2,3 миллиард Хитой юани сотди. Битимнинг умумий қиймати 38,5 миллиард рублга баҳоланмоқда.



панинг Россия нефти импорти-ни тақиклаши ва Фарб давлатлари томонидан жорий қилинган нархлар юқори чегараси Россияга ҳар куни 160 миллион еврога тушяпти.

ИНДОНЕЗИЯДАН САМАРҚАНДГА

Самарқанд вилояти делегациясининг Индонезия туризм ва креатив иқтисодиёт вазирини Сандиага Салахуддин Уно билан учрашувида туризм, Самарқандга тўғридан тўғри авиақатновларни ташкил этиш ва индонезиялик зиёратчилар учун зиёрат турларини ташкил этишда ҳамкорлик бўйича келишувга эришилди.

Тадбирда 2024 йил Ўзбекистонда ташкил этилиши режалаштирилаётган креатив иқтисодиёт ва туризм халқаро конференциясида мазкур мамлакат делегацияси иштирок этиши ҳам маълум қилинди.

Томонлар Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Маҳдуми Аъзам, Хожа Аҳрор Валий, Абди Дорун ва Абди Берун зиёратгоҳларига индонезиялик сайёҳлар учун махсус зиёрат турларини ташкил этиш истиқболларини муҳокама қилди.



Шу маҳаллада яшовчи Диёрбек Мамадалиев хонадонда беш оила яшайди. Уй муаммоси уларни қийнади. Тажриба тариқасида қурилган камхарж, иссиқ-совуқ ва ёнғинга чидамли йиғма уй муаммога ечим бўлди. Янги лойиҳадаги турар-жой барча қулайликларга эга. Асосийси, ортиқча жой ҳам талаб қилинмаган. Бутун оила хурсанд.

Мазкур хонадонда бўлган Давлатимиз раҳбари янги уй билан уларни табриклади.

— Уй инсоннинг энг

япти. Танлов имкониятини кенгайтириш учун, эҳтиёжмандлар учун бундай арзон уйлар ҳам керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Хонадондаги янгиланиш бутун маҳаллага кўчган. Утган йили маҳалла биноси янгидан қурилди. Кўчалар таъмирланди, ишқомлар барпо этилди. Аҳоли бандлигини таъминлашда ҳам ички имкониятлардан фойдаланилмоқда. Аниқроғи, оилавий тадбиркорлик ривожланаяпти. Айни вақтда 220 хонадонда турли йўналишларда тадбиркорлик йўлга қўйилган.

— 19 км. ички йўлга



"БУ МЕНИНГ МАҲАЛЛАМ"

асосий эҳтиёжларидан бири. Ҳам давлат, ҳам тадбиркорлар томонидан кўплаб турар-жойлар қурилаётгани халқимиз манфаатини таъминла-

бетон қопланди, Электр энергия таъминотини яхшилаш мақсадида 336 та бетон таянч устун ўрнатилди, 3 та трансформатор ўрнатилди. 13.5 км. тоза

ичимлик суви ва 10.5 км. табиий газ тармоғи таъмирланди. 17 минг тупдан ортиқ мева ва манзарали кўчатлар ўтқазилди. Юқоридагиларга жавобан халқимизнинг яратувчилик ташаббуси ўсиб борапти, — дейди МФЙ раиси Сарвиноз Қодирова.

Кейинги йилларда республикада аҳоли ўсиши ҳисобига электр истеъмоли ҳам кун сайин ошиб борапти. "Садда таги"да бу муаммонинг ечими сифатида қайта тикланувчи электр энергия манбаларидан фойдаланишга ўтиляпти. Куёш энергиясидан фойдаланаётган 50 та хонадонда ортиқча харажатнинг олди олинди. Аҳамиятисиз, сиз уйингизга куёш панели ўрнатсангиз, эҳтиёжингиздан ортиб

қолган электрни давлатга сотишингиз мумкин. Шу сабаб Президентимиз Андижон тажрибаси сифатида бунини оммалаштириш таклифини билдирди.

Эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, уй-жой шароитларини яхшилаш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлардан ҳам фуқаролар мамнун. Яқка-ёлғиз яшовчилар ва кексалар алоҳида эътиборда.

Ўрмонжон Йўлдошев бетоблиги сабаб рўзгордан орттириб уй-жойини таъмирлашга имкон топа олмаётганди. Ҳомийлар кўмағида у икки хонали янги уйли бўлди. Шу каби юзта эҳтиёжманд оиланинг уйи таъмирдан чиқарилди.

— Кун сайин обод бўлаётган уй-жойлар,

қўчалар, ҳаётимиздаги ўзгаришларни кўриб, фақат шукр келтирармиз, — дейди Тоҳиржон ота Сўпиматов. — Жуда қисқа вақтда бу қадар ўзгариш бўлишини тасаввур ҳам қилмагандик. Набираларимиз учун боғчага бориш бир орзу эди. Ҳозир ҳудудимизда 3 та нодавлат мактабгача таълим муассасаси бор. Ўқувчи-ёшларимизнинг ҳам қувончи чексиз. Мактабимиз таъмирлангач барча қулайликлар яратилди. Ҳатто шу жойнинг ўзида касб-хунар ўрганиш мумкин. Бундай имконият сира бўлмаган.

Бир сўз билан айтганда, Юртбошимизнинг Андижонга ташрифи саддатагиликларнинг кайфиятини кўтарди, эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлади.

Акбаржон НАЗАРОВ.



Бегзод МУТАЛЛИБОВ олган суратлар.

Тадбиркорликни илк бошлаган 2008 йилда ҳамкорлик қилиш учун қайси банкни танлашни ўйлаб юрган кезларим эди. Кўп молия муассалари хизматлари билан танишдим. Ва кўмакчи сифатида "Hamkorbank" АТБнинг Термиз минтақавий банк хизматлари офисини танладим. Чунки бу банкда илк кўрганам "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун хизмат қилади" деган темир қоида эди. Шундан буён "Банкнинг энг намунали мижози ва мижознинг энг ишончли молиявий дўсти" кўприги ўрнатилди.

2010 йилда олинган кредит эвазига иқтисодий салоҳиятимиз юксалди. Кредит муддатидан олдин сўндирилди. Бу банкнинг ишончини қозонишимизга сабаб бўлди.

2016 йилда яна бир корхона "Brightly Mega Water" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этдик. Унинг асосий фаолияти Сурхондарё вилояти аҳолиси учун тоза ичимлик суви ишлаб чиқаришга қаратилди. Кейинчалик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан шарбат ишлаб чиқаришни режалаштирдик. Бу мақсадларимизни амалга ошириш учун молиявий кўмакчи сифатида яна "Hamkorbank"га юзландик. Олинган кредит эвазига Хитой давлатидан ускуналар олиб

келиндим, яхна ичимликлар ва мева шарбатлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

Дастлаб 10 киши билан фаолиятимиз

БАНКНИНГ ТЕМИР ҚОИДАСИ

ни бошлаганмиз. Иш ҳажмининг ошиши қўшимча иш ўринлари яратишимизга замин бўлди. Ҳозирда туманлардан келиб ишлайдиган ходимларимиз ҳам кўпчиликни ташкил этади. Улар учун дам олиш хоналари, 3 маҳал иссиқ овқат ва транспорт хизмати

йўлга қўйилган.

Корхонамизни бугунги кунда салоҳияти юксалган. Ўзини маблағ билан таъминлаш имконияти мавжуд. Бу борада банкнинг катта ҳиссаси бор. Ишончли ҳамкор сифатида кредит маблағларини вақтида ажратади. Шунинг учун катта-катта бунортмаларни ола-



миз. Маҳсулотларимиз Қозоғистон ва Афғонистон давлатларига ҳам экспорт қилинмоқда.

Айни вақтда ички бозорда халқимизнинг сут ва сут маҳсулотларига бўлган талаби юқори. Шуни инобатга олган ҳолда, корхона жамоаси ўз имкониятларидан келиб чиқиб, 2023 йил режасига сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни киритди.

Алимардон КАРИМОВ,
"Brightly Mega Water" МЧЖ раҳбари.

"Hamkorbank" ATБда яхши бир анъана бор. Йил якунида энг самарали фаолият олиб борган жамоалар, фаол ходимлар рағбатлантирилади. Бу уларга мотивация бериш билан бирга янги ташаббусларга бошлайди.

2022 йил якунига бағишланган йиғилиш ва унинг тақдирлов қисми ҳам ҳаяжонли кечди. Барча бирдек ғолиблик кимларга насиб этгани билан қизиққанди. Бундай эътирофга муносиб топилганлар янада шижоат билан ишлашга қарор қилдилар.

РАҒБАТ МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРДИ



**"ЙИЛНИНГ
ЭНГ ЯХШИ
МЕНЕЖЕРИ"**

**Ботир Жўраев,
Навоий минтақавий
банк хизматлари офиси
Тинчлик БХО 2-тоифали
менежери:**

— Банк ходимдан ҳамма вақт муомала маданияти талаб этилади. Айниқса, мижозлар билан тўғридан-тўғри ишлашда бу жуда муҳим. Чунки ҳамма мижоз ҳам мавжуд имкониятлардан хабардор бўлмайди, уларга етарли тушунча бериш лозим.

Биз фаолиятимизда аynи шу жиҳатга алоҳида

эътибор қаратамиз. 2022 йил давомида 418 та мижозни кредит билан таъминладик. Бу ўз-ўзидан бўлмади. Уларнинг кўнглига йўл топдик, қизиқтира олдик. Энг асосийси, банкимизга бўлган ишончини оширдик. 48 нафар фуқарога автокредит берилганда уларнинг хурсандчилигини кўриб,

ўз ишимиздан биз ҳам қувондик. Мижоз биз учун ҳамма вақт қадрли.

Йил якуни сарҳисоб қилинганда кўрсаткичларимиз юқори бўлгани ўз тасдиғини топди. Менга берилган баҳо жамоамизни ҳам қувонтирди. Амалдаги йилда бундан юқори натижаларга эришишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

"ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ХОДИМЛАР БИЛАН ИШЛАШ МЕНЕЖЕРИ"

**Шаҳноза Аҳадова, Юнусобод универсал БХО
маъмурият бўлими менежери:**

— 2021 йил якунлари-га бағишланган йиғилишда тақдирланганларни кўриб ҳавас қилгандим. Ва ўз олдимга "астойдил меҳнат қилиб, "Йилнинг энг яхши ходимлар билан ишлаш менежери" номинацияси ғолиблари қаторида тақдирланиш даражасига етман"

дея мақсад қўйдим. Тинимсиз меҳнат қилдим, ҳаракатдан тўхтамадим. Инсоннинг мақсади аниқ бўлса, натижа узоқ куттирмас экан. Мен буни уйдасидан чиқдим.

2022 йил якунлари.... номинация


"ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ КАССА МУДИРИ"

**Маҳбуба Қуванова,
Самарқанд
минтақавий банк
хизматлари офиси
касса мудир:**



— Банк тизимида касса энг масъулиятли жой. Бу вазифада ўз ишини профессионал даражада биладиган, билимли ва ҳалол кадрлар ишлай олади. Биргина тажрибанинг ўзи етарли бўлмайди. Бунга ўз фаолиятим давомида амин бўлдим.

2022 йилдаги фаолиятимга берилган баҳо зиммамга катта масъулият юкледи. Меҳнатимиз қадрлангани, эътиборга олинганини кўриб, касбимга бўлган меҳрим янада ошди. Шу касбни танлаб адашмаган эканман.



Ғолиблари... Мени ҳам эълон қилишди, ура! Тўғриси, "кутмаган эътирофим" десам нотўғри-кутгандим. Ахир касбимга бўлган меҳрим, муҳаббатим ва бор шижоатим билан меҳнат қилдим-ку йил давомида. Ота-онам "ҳар бир меҳнатнинг мукофоти, роҳати бор" дея уқтиришарди. Чиндан ҳам шундай бўлди.

Ҳамон қувончдаман. Бироз чўчипман ҳам. Боиси бу мукофот менга янада масъулият юкледи. Энди шу эътирофни, ишончни оқлаш учун астойдил ишлашим зарур.

"ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ МУРАББИЙИ"

**Сухроб Юнусов,
Бухоро минтақавий банк
хизматлари офиси чакана бизнес
бўлими етакчи менежери:**



— Кечки касса касири вазифасида 2009 йилда иш бошлаган пайтларимда орзуларим бир олам эди. Ўша кезларда гарчи олий маълумотга эга бўлмасамда илмга чанқоқлигим туфайли банкда ишлаш қийин кечмади. Етуқ банкир бўлишни орзу қилдим. Бунинг учун кўп ўқишим,

иктисодий билимларимни оширишим кераклигини тушуниб етдим.

Мураббийлик қонимда бор. Бобом, онам математика фани ўқитувчилари бўлишган. Шунинг учун ҳам ҳисоб илмини болалигимдан севдим. Аввалига Бухоро муҳандислик технология институтиди, кейинчалик Тошкент молия институтиди тахсил олдим. Ўқиганларимни фаолиятим давомида татбиқ этишда Фазлиддин Саматов, Абдурахмон Алиев, Алишер Мухтаров, Аскад

Ҳақбердиев, Шерзод Мергуловлар тажрибасига таяндим. Уларни устоз билдим ва кўп нарсаларни ўргандим.

Ўтган 2022 йил мен учун муваффақиятлар йили бўлди. Шоғирдлар чиқардим, уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларига ҳисса қўшдим. Меҳнатларим бош банк томонидан "Йилнинг энг яхши мураббийи" дея эътироф этилди-хурсандман. Меҳнатларимни рўёбга чиқаришда ҳамкасбларимнинг кўмаги катта бўлди. Йил бошида насиб қилса танлов ғолиби бўлман, дея ният қилгандиму, очиги кутмагандим. Жуда хурсандман.

"ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ КХБ МЕНЕЖЕРИ (ОММАВИЙ СЕГМЕНТ)"

**Фозилжон Жабборов,
Жиззах минтақавий БХО
корпоратив хизматлар бўлими бош
менежери:**



—Тошкент молия институтининг банк йўналиши бўйича бакалавр ҳамда магистратурасида тахсил олганман. Шунинг учун ҳам банкда ишлаш унчалик мураккаблик туғдирмади.

2016 йил ишга кирганимдан бошлаб жамоанинг ҳар бир ходимини устоз деб билдим ва улардан соҳа сирларини ўрганишга киришдим. Одатим, қандай ишни бошлашимдан қатъий назар охирига етказиш. Балки шунинг учундир ютуқ ва муваффақиятларга эришяпман. 2019 йилда чакана йўналишда, 2021-2022 йилларда корпоратив йўналишда йил номинацияси ғолиби бўлдим. Бу галгиси "Йилнинг энг яхши КХБ менежери (оммавий сегмент)" номинацияси бўйича. Бу, албатта, қувончли. Кўтаринки кайфият, галдаги марралар сари очилган эшик.

Мақтаниш эмас ҳар чоракда ютуқларим бор. Бу ютуқлар билан тўхтаб қолмайман. Замонавий банкир бўлиш учун доим ўқишда, ўрганишда, изланишда бўлишим керак. Бу менинг шиорим.

(Давоми. Боши 1-бетда).

У мақсадига эришди ҳам. Илк иш кунини яхши эслайди:

— 10 йил илгари банкка ишга келган биринчи куним ҳали-ҳамон ёдимда. Ёш йигит эдим. Катта мақсадларни олдимга қўйдим. Ҳозирга қадар ишимга бўлган муҳаббатим йўқолгани йўқ. Аксинча, ортиб бормоқда. Дастлаб Чиноз банк хизматлари офисида фаолият бошланганман. Доим ўз устимда ишлаб, вазифамни профессионал даражада адо этишга интилдим. Натижа қувонарли, меҳнатларим эътиборсиз қолмади, юқори баҳоланди.

ҒОЛИБ БЎЛИШНИНГ СИРИ

Дарҳақиқат, нега айнан Нуржан Бахрамов "Йилнинг энг яхши КХБ транзакцион менежери" номинациясида ғолиб бўлди? Қахрамонимиз бунинг сабабига ўзгача изоҳ берди:

— Меҳнат, меҳнат ва яна меҳнат. 2021 йил якуни бўйича ғолиблар чет элга юборилганини эшитиб, ўз олдимга ғолиб бўлишни мақсад қилиб қўйган эдим. Йил давомида янги мижозларни жалб қилиш учун астойдил ҳаракат қилдим. Сири эса оддий, яхши

хизмат кўрсатиш ва мижознинг эҳтиёжини қондириш.

Меҳнат инсонни улуғлайди, деб бежиз айтишмайди. Нуржан ҳам бунга амал қилди. Ваҳоланки, соатдек аниқлик талаб этиладиган вазифани мунтазам масъулият билан бажариш осон эмас. Шу боис, кўпчилик банк соҳасида фаолият олиб боришни мушкул деб билади. У эса бунинг уйдасидан чиқмоқда.

— Чиндан ҳам банк соҳасида ишлашни осон деб бўлмайди, —

дейди у. — Мураккаб вазиятларга тушиб қолишингиз эҳтимоли жуда юқори. Шунда асабийлашиш ҳам юзага келиши мумкин. Иш давомида орттирилган тажриба сиздаги асабийлик ўрнини профессионаллик билан тўлдириб боради. Энг муҳими, сабр ва тинимсиз меҳнат. Қолганини ҳал этиш мумкин.

Нуржани ҳамкасблари масъулиятли, яхши кадр ва чинакам соҳа ходими эканлигини таъкидлайди. Унинг ўзи эса бир сўз билан "мен ҳаёт мактабида тарбиялан-дим", — дейди.

Я. УЛУҒҲЎЖАЕВ.

Бобур дилбар шахс, Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тadbиркор шахс бўлган. У санъатни, адабиётни севган, ҳаёт нафосатидан лаззатлана билган. Бобурнинг Ҳиндистонга келиши туфайли Ҳиндистонда буюк ўзгаришлар содир бўлди, ҳаётда, санъатда, меъморчиликда ва маданиятнинг бошқа соҳаларида ўзгача гўзал тараққиёт юз берди.

Жаваҳарлал НЕРУ.

БОБУР ҲАҚИДА 10 ТА ФАКТ

Ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили, буюк шоир, тарихчи, географ, давлат арбоби, истеъдодли саркарда, бобурийлар сулоласи асосчиси, темурий шахзода Заҳириддин Муҳаммад Бобур миллатимизнинг энг ёрқин вакиллари билан биригди. Бобур ҳақида инглиз олими Уильям Эрскин шундай деган эди: "Саховати ва мардлиги, истеъдоди, илм-фан, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шуғулланиши жиҳатидан Осиёдаги подшоҳлар орасида Бобурга тенг келадиган бирорта подшоҳ топиламади".

Бобур Мирзо таваллуди арафасида буюк олим ва саркарда ҳақида энг муҳим 10 та фактни ёдингизга солаемиз:

1. Бобурнинг отаси — Умаршайх Мирзо Фарғона вилояти

ҳокими, онаси — Қутлуғ Нигорхоним Мўғлистон хони ва Тошкент ҳокими Юнусхоннинг қизи эди.

2. Асл исми — Заҳириддин Муҳаммад ибн Умаршайх Мирзо. Довюрраклиги ва жасурлиги учун у ёшлигидан "Бобур" ("Шер") лақабини олади.

3. Отаси Ахсида — 39 ёшида фожиами ҳалок бўлган, оиланинг катта фарзанди, 12 ёшли Бобур валиаҳд сифатида тахтга ўтиради (1494 йил июнь).

4. Бобур Афғонистонда "Боғи Шаҳрор", "Боғи Жаҳоноро", "Ўртабоғ", "Боғи вафо" ва "Боғи Бобур" каби оромгоҳлар ташкил этган.

5. Бобурнинг Ҳумоюн, Гулбадан-бегим, Комрон ва Ҳиндол исмли фарзандлари Кобулда туғилган.

6. Бобур 1526 йил апрелда (43



ёшида) Панипатда асосий рақиби, Деҳли султони Иброҳим Лодийнинг юз минг кишилиқ қўшинини 12 минглик аскар билан тор-мор қилади ҳамда Деҳлини эгаллайди. Орадан кўп ўтмай, иккинчи йирик ҳинд саркардаси Рано Санго устидан ҳам зафар қозониб, Шимолӣ Ҳиндистоннинг Бенгалиягача бўлган қисмини ўзига бўйсундиради.

7. Бобурнинг "Мубайин" асари маснавий тарзида ёзилган бўлиб, Ислom ҳуқуқшунослиги ва шариат ақидаларига бағишланган.

8. "Бобурнома" воқеалари Андижон, Самарқанд, Хўжанд, Хиротдан бошлаб Кобул ва Аграгача бўлган қамровга эга. Унда Ўрта

Осиёдан бошлаб Ҳиндистонгача бўлган масофадаги деярли 50 йиллик воқеалар ҳаққоний ифода ва баҳосини топган.

9. Бир неча муддат олдин подшолики Ҳумоюнга топширган Бобур 47 ёшида ўзи асос солган салтанат пойтахти Аграда вафот этди ва ўша ерда дафн этилди, кейинчалик (1539 й.), васиятига мувофиқ ҳоки Кобулга келтирилиб, ўзи бунёд эттирган "Боғи Бобур"га қўйилди.

10. Бобур асос солган сулола Ҳиндистонда уч ярим асрга яқин ҳукм сурган.

Абдували КАБИРОВ
тайёрлади.



Б. МУТАЛЛИБОВ олган сурат.

У деярли ўн олти йилдан бери "Hamkorbank" чилар сафиди ва айнан бир жойда — Қўрғонтепа универсал банк хизматлари офисида ишлаб келмоқда. Доноларимизнинг "Дарахт бир жойда кўкаради", деган нақли ана шундай инсонлар учун айтилган бўлса не ажаб.

Уни яқиндан билганлар бу ҳолни "иш жойингизга садоқатлимисиз ё туғилган юртингизга меҳрингиз баландми?" дея сўраб қўйишади. Сўрагучиларга жавоби эса дилга сурур солади: "Аввало, туғилган жойимни жуда яхши кўраман. Бу ерда мени энг катта бойлигим — отам ва онам бор. Уларни кўрмасдан туролмайман. Инсон бирор ишни танласа тақдирини ушбу иш билан боғлаши керак. Мен тақдиримни "Hamkorbank" билан боғлаганман. Шундан бўлса керак бир жойда кўп йиллардан бери сидқидилдан ишлаб

келмоқдаман".

Ҳозирда Ўткиржон "Hamkorbank" АТБ Қўрғонтепа универсал банк хизматлари офиси бошқарувчиси. Мазкур лавозимгача шу жойнинг ўзида йигирма марта вазифаси ўзгарган. Яъни, иш ўрганувчиликдан бошқарувчиликгача бўлган "меҳнат йўли"ни босиб ўтган. Бу "йўл"нинг яна давоми борми? Унинг сўзларига қараганда, ҳали ҳаммаси олдинда. Бу йил магистратурага ўқишга кириш ниятида. Келажакда банк бошқаруви раислигини ўзига марра қилиб белгиланган.

ҲАЛОЛЛИК, ШУҚР, САБР

Ҳалоллик. Шуқр. Сабр. Ўткиржон эсини танибдики ўзининг ана шу бахт формуласига амал қилиб келмоқда. Ҳар қандай ҳолатни, вазиятни, муаммони ушбу формулага таяниб ечишга уринади ва аксар ҳолларда ижобий натижага эришади.

Суҳбат асносида яхшилик ва бошқа инсоний фазилатлар хусусида сўз юритди. Бу борада унинг мушоҳадалари ўзига хос.

— Мен яхшиликни умри боқий деган бўлар эдим, —

**ёҳуд Ўткиржон
ТОҶИБОЕВнинг
БАХТ
ФОРМУЛАСИ**

сида бўлади. Ота-онаси билан суҳбат жони дили. Табаррук инсонларнинг ғаниматлигини ҳис қилиб, уларнинг дуосини олиб қолишни ҳар недан афзал билади. Уларни ўзининг энг катта ва бебаҳо бойлиги сифатида қадрлайди. Фарзандлари билан ширин суҳбатлар қуриш, бир-галикда мароқли ўйинлар ўйнаш "дам олиш режаси"дан доимо ўрин олган.

Ўткиржонни спортчи

дегучилар ҳам йўқ эмас. Бокс билан мунтазам шуғулланиши, шахматга ишқибозлиги, аксар ҳолларда пиёда юргани учун шундай ўйласалар ажабмас. Аслида, буларнинг ҳаммаси, ҳозирги давр тили билан айтганда "хобби".

— Дарҳақиқат, яхши кўрган машғулотларимдан бири пиёда юриш. Бу нафақат соғлиқ учун, балки, руҳий сокинлик учун ҳам зарур, — дейди у бу борада сўз очғудай бўлсангиз. — Пиёда ёлғиз юрганда ўзим билан ўзим маслаҳатлашаман, фикрларимни жамлаб, тарози-га соламан. Пиёда юришни гашти бошқа. Ишга ўз вақтида етиб бориш учун пиёда юриш умуман ҳалақат бермайди аксинча, эртaroқ чиқсам кўпроқ ўзим билан ҳам фикрлашиш имкони бўлади.

...Касбу корига ҳалоллик билан ёндашиб ишлаётган, шуқрни қалбига жо қилган, ҳар қандай ҳолда сабрни ўзига ошно тутган бир кам қирқ ёшли ҳамюртимиз дадил қадамлар билан ишхонаси томон кетмоқда. Одим ташлаган сари эзгу ниятлар, самони қучғудай орзулар дилига туғён солади. Унинг қалбини чулғанган ширин хаёллар чинга айланишига тилакдошмиз.

Ҳалимжон ТОҶИРОВ.

Америкалик омадли бизнесмен ва банкир Марринер Эклз Буюк депрессия даврида ўз маблағини қутқаришга уринмай, мамлакат иқтисодиётини тўғри йўлга солиш учун давлат хизматида киргани билан эътиборли. Унинг ислохотлари туфайли АҚШ 1940-1950 йилларда мисли кўрилмаган иқтисодий юксалишга эришди. Дунё ҳамжамияти Америка доллари етакчилиги қиладиган ўзаро пул муомаласининг янги тизимига ўтди. Шу боисдан унга федерал захира тизими меъмори таърифи берилган.

Марринер ЭККЛЗ

Унинг отаси Дэвид Эклз Юта штатидаги илк мульти-миллиардер бўлиб, 16 та компания ва 7 та банкнинг президенти саналарди. Бу ҳол ёш Марринерни ота изидан боришида муҳим аҳамият касб этди, унга оилавий бизнесни юри-тишда кўмак бера бошла-ди. Отасининг вафотидан сўнг ота ишини давом этти-риш унинг зиммасига туш-ди.

Иқтидорли меросхўр икки компания - Hyum State Bank ва Thatcher

Brothers Bank президен-ти сифатида бизнес олами-га дадил кириб борди, бир қатор, чунончи шакар, сут ишлаб чиқариш, сўғурта, қурилиш, меҳмонхоналар тармоқларини яна-да кенгайттирди. Мамла-кат иқтисодиётини ривож-лантириш борасида АҚШ сенатида чиқишлар қилди, университетларда лек-циялар ўқиди. 1933 йил-да мамлакатнинг етук банкирларидан бири сифа-тида банклар ва сўғурта қўйилмалари федерал кор-

порацияси тўғрисидаги фавқулдда қонун тайёрла-нишида иштирок этди.

1944 йилда ўтказилган халқаро Бреттон-Вуд кон-ференцияси ишида асосий роль ўйнади. Унинг якуни ўлароқ, халқаро пул муо-малалари тизими ва савдо ҳисоб-китоблари янгича

тизимга ўтди ва ҳозирга қадар муваффақиятли давом эттирилмоқда.

Умрининг сўнгги йил-ларини Эклз молия бўйича етук эксперт ва дунё иқтисодиёти кри-зислари юзасидан нуфуз-ли таҳлилчи сифатида ўтказди. Ижтимоий фан-лар, маданий-маъри-фий лойиҳаларни молиялаштиришга йўнал-тирилган бир қатор хай-рия жамғармалари таш-кил этди.



МАШҲУР ИБОРАЛАРИ

*** Давлат қарзига келсак, ўзимиз учун ўзимиз қарздормиз. Ҳар қандай мамлакат, бюджет тақчиллиги билан фаолият юритаётган бўлишига қарамай, банкрот бўлиши мумкинмас. Қурилаётган барча мажбуриятлар ўзимизга қаратилган, шу боис омма-вий қарздорлик чоралари аҳамиятга эга эмас.**

*** Иқтисодиёт устидан ҳукм юрғи-заётган одамлар иқтисодий ўйин қоидаларига ҳаддан ташқари қаттиқ**

таъсир ўтказадилар, ҳукуматни маз-кур қоидаларни қўллаб-қувватлашга, жамиятни эса мазкур қоидаларга риоя қилишга мажбур қиладилар.

*** Оммавий ишлаб чиқариш оммавий истеъмол билан бирга бўлиши керак. Оммавий истеъмол эса, ўз навбати-да, бойликнинг мавжудини эмас, балки, энди яратилажagini тақсимлашни тақозо этади. Боиси, инсоннинг харид имконияти, миллий иқтисодиёт ман-балари тақдим қилган маҳсулотлар ва хизматларга тенг бўлиши зарур.**

Русчадан Ҳ. ТОҲИРОВ таржимаси.

Ҳаётда ақлбодар қилмайдиган ўхшашликлар учрайди. Мисол учун, гўдаклигида қандайдир сабабларга кўра, ажралиб кетган эгизаклар кейинчалик улғайгач, ўзларига бир хил исмли рафиқа танлаган, фарзандларига бир хил исм қўйган ҳоллар мавжуд. Аммо эгизаклар ўртаси-да қандай сирли олоқ борлигини фан тушун-тириб беришга ожиз.

ТАҚДИР ЧАРХПАЛАГИМИ Ё...

февраль ойида туғилган икки олим ҳаётига бир назар

Ҳозирги замон астро-номияси тамал тоши-ни қўйганлардан икки атоқли олим - Копер-ник ва Галилейнинг тар-жимаи ҳолларидаги ўхшашлик кишини ажаб-лантирмай қўймайди. Уларнинг тақдир чархпа-лаги ўзига хос - 90 ва 99 йил вақт оралиғига тўғри келади.

Николай Коперник 1473 йил 19 февралда, Галилео Галилей эса 90

йил кейин - 1564 йил 15 февралда туғилган. Худ-ди шундай 90 йил фарқ билан улар университет-ларга ўқишга кириша-ди, уч йилдан ўқишади ва тахсилни бошқа таъ-лим даргоҳларида туга-тишади. Коперник шу мақсадда анча кейинроқ Падуан университетига ўқишга киради, 90 йилдан кейин эса ўша даргоҳда Галилей ўз ўқитувчилиги фаоли-я

СИРЛИ ДУНЁ

тини бошлайди. Бироқ, шу билан тақдиридаги ўхшашлик тугамайди.

1533 йилда Копер-ник оламни Қуёш атро-фида қурилгани ғоясини

эълон қилади, Рим папа-си Климент VII ни бу ихтиро билан таништи-ради. Бундан қарангки, 99 йилдан кейин Рим папа-си Урбан VIII Галилей-нинг Коперникнинг олам тузилишига бағишланган китобини ўқийди.

1543 йилда Копер-ник вафот этади, Гали-лей эса ундан 90 йил ўтиб оламдан ўтади. Яна бир ҳайротоמוз ўхшаш-

лик кишини ажаблан-тиради. Галилей ўли-мидан илгарироқ, 1633 йил судда ўзининг чер-ковга зид "шаккоклик" қарашларидан воз кечади. Коперник Гали-лейдан 90 йилдан олдин ўз ғояларидан воз кеча-ди.

Яна бир тақдир ўхшашлигини қаранг, Коперник Италия бўй-лаб дарбадарликлар-дан кейин 1511 йилда Польшанинг Фромборк шаҳарчасига доимий яшаш учун кўчиб кела-ди, 99 йилдан кейин эса Галилей Флорен-ция яқинидаги Арче-три қўрғонига - ўзининг сўнгги манзилига кўчиб келади.

Ушбу ўхшашликлар билан танишар экан-сиз, одамлар тақдирида қандайдир илоҳийлик мавжудлигига ишонгин-гиз келади.

САЛОМАТЛИК

ХОЛЕСТЕРИННИ КАМАЙТИРАДИ


Ялғизланишга қарши хусуси-ятларга эга пиёз ёмон холестерин даражасини пасайтиради. Паст холестерин эса юрак-қон-томир касалликлари ривожланиш хав-фини камайтиради ва юрак сало-матлигини мустаҳкамлайди.

ҲУЖАЙРАЛАР ҲИМОЯЧИСИ

Пиёзда тана учун фойда-ли 25 хил антиоксидантлар мав-жуд. Бу антиоксидантлар нафақат бизни баъзи касалликлардан ҳимоя қилади, балки, ҳужайралар шикастланишининг олдини олади.

БАҲОРА тайёрлади.

МАШҲУРЛАР



**ТИК ТУРИБ
КИТОБ ЁЗГАН ЁЗУВЧИ**

* Шекспир ва Сервантес бир кунда вафот этишган — 1616 йил-нинг 23 апрелида.

* Инглиз ёзувчиси Виржиния Вулф аксар китобларини тикка турган ҳолда ёзган.

* Сара Бернар 13 ёшли Жулетта ролини 70 ёшида ўйнаган.

* Уолт Дисней болалиги-да бир бойқушни қийнаб ўлдир-ган. Шундан сўнг у жониворларни мультфильмларда "тирилтириш"га киришган.

* Ойга қадам қўйган астро-навтлардан бири Базз Олдрин онасининг қизлик фамилияси Мун — инглизча Ой маъносини бера-ди.

* Юлий Цезар сочлари тўкила бошлаганини яшириш учун дафна гулчамбари тақиб юрган.

* Телефон кашфиётчиси Алек-сандр Белл онаси ва хотини-га бирон марта ҳам қўнғироқ қилмаган — улар гунг бўлишган.

Гарчи кесган пайтимизда пиёз бизни йиғлатса-да, танамиз-га кирган заҳоти вазият бир зумда ўзгаради. Ҳар кун истеъ-мол қилинган пиёз соғлиғимизни мустаҳкамловчи витамин ва озуқавий моддаларга бой ажойиб таомдир. Келинг, бу сабзавот-нинг ажойиб хусусиятлари билан танишамиз.

ПИЁЗНИНГ ФОЙДАСИ

ОВҚАТ ҲАЗМ ҚИЛИШДА

Бириктурув-чи тўқимага бой пиёз турли сабаб-ларга кўра секин-лашган овқат ҳазм қилиш жараёнини тезлашти-ради. Бундан ташқари ушбу маҳсулот ичакларга ижобий таъсир кўрсатадиган "фойдали бактериялар"нинг ҳосил бўли-шига ёрдамлашади.



ОҒИЗ БЎШЛИҒИ ВА КЎЗЛАР САЛОМАТЛИГИГА ФОЙДАЛИ

Оғиздаги зарарли бакте-рияларни ўлдириш орқали пиёз табиий равишда оғиз гигиенасини ҳимоя қилади, унинг микробларга қарши хусу-сияти тишларни мустаҳкамлашда ёрдам беради. Пиёз таркибида-ги мавжуд "кверцетин" моддаси катарактага қарши курашади.

ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ



Келинг, бугун рамзий маънода саёҳат қилмоқчи бўлган минорамизнинг ўтмиши билан боғлиқ қизиқарли фактга эътибор қаратамиз. Аслида, бу кўркем бино Ироқнинг пойтахти Бағдод шаҳрида қад ростлаши керак эди. Мамлакатдаги сиёсий нотичлик сабаб бу номаълум муддатга тўхтатиб қўйилди. Чизмаларидан тортиб, ҳисоб-китобига тахт қилиб қўйилган қурилиш бошланмасдан тўхтади. Ўша даврда Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари бўлган Шароф Рашидов "отни қамчилаб қолади". У барча чизмаларни Тошкентга олиб келади ва 1978 йилнинг баҳорида қурилиш ишларини бошлаб юборади. 6 йил давом этган меҳнатдан сўнг, 1985 йилнинг қиш фаслида Тошкент телеминораси ўз ишини бошлайди.

Телеминоранинг асл вазифаси пойтахт аҳолиси учун теле ва радио тўлқинларни етказиб беришдан иборат. У нафақат Тошкентни, балки, Қозоғистон Республикасининг жанубий қисми ва Сирдарё вилоятига қадар бўлган масофага сигнал беришга қодир. Бугунги кунда унинг фаолияти қисман ўзгаргани рост. Эндиликда, бу шунчаки баланд бино эмас. Телеминора Тошкент шаҳрининг рамзи, туристларнинг севимли масканига айланиб бўлди.

Телеминорада томоша майдончасига экскурсия ва Коинот ресторани хизматлари йўлга қўйилган. Меҳмонларга қулайлик яратиш мақсадида ҚР-кодли тизим қурилмалари ўрнатилди. 100 метр баландлигида томоша майдончаси ва 105 метр баландлигида Коинот ресторанининг "Мовий" зали фаолият кўрсатяпти. Эътиборлиси шундаки, бугун пойтахт ёшлари айнан шу ресторанда

ўз севиклиларининг қўлини сўраши ўрфга айланиб бормоқда. Ресторанга ташриф буюрсангиз, албатта унинг романтик манзараси сизни ўзига маҳлиё қилиб қўяди. Ўз ўқи атрофида айланаётган мовий залда тунги Тошкентни томоша қилиш эса, сўз билан ифодалаб бўлмас ҳиссиёт.

Агар йўлингиз тушса, албатта телеминорага ташриф буюринг. Томоша майдончасида пойтахт манзарасини томоша қилиш учун бир неча бинокулярлар ўрнатилган.

Шу ўринда, қизиқ факт. Телеминора баландлиги — 375 м. (14 та тўққиз қаватли уй ва яна битта бир қаватли уйнинг умумий баландлиги билан тенг). Пойдевор чуқурлиги — 11 м. Қурилмага тиргак бўлиб турган пўлат оёқларнинг узунлиги — 93 м. Пўлат оёқлар пойдевори диаметри — 15 м. Қурилиш материали — яхлит пайвандланган пўлат. Миноранинг оғирлиги (жиҳозларсиз) — 6000 тонна.

Телеминорага чиқиш учун Швециянинг учта "Шиндлер" лифти ўрнатилган бўлиб, уларнинг тезлиги 1 сонияда 4,8 метрни ташкил қилади. Яъни, сиз қандайдир 30 сония ичида бинонинг энг баланд нуқтасида пайдо бўласиз.

Аслида, вақт ўтган сари айрим нарсалар ўз қийматини йўқотиши мумкин, бироқ санъат асарлари бундан мустасно. Тошкент телеминорасини ҳам йиллар давомида қадри ошиб бормоқда. Бугун пойтахтга келган меҳмон борки, унинг энг баланд нуқтасидан тунги Тошкентни томоша қилиш иштиёқида. Сизни ҳам Тошкент телеминорасида кутамиз. Ишонинг, бу шунга арзийди.

Роналдиньо "Барселона"ни тарк этганига 15 йил бўлди. Бу вақт оралиғида чарм тўп устаси клуб билан ўртадаги алоқаларни узиб юборгани йўқ. Турли тадбирлар, ўртоқлик ва хайрия ўйинлари чоғида Каталония ишқибозлари олдида доимий равишда кўриниш берди. Бежизга унинг ўғли ҳам Каталонияни танлагани йўқ.

РОНАЛДИНЬОНИНГ ЎҒЛИ

17 ёшли Жоао Мендес де Ассис Морейра бир неча ҳафтадан бери "Барса"нинг 19 ёшгача бўлган жамоаси кўригида бўлиб турибди. Маълумотларга қараганда, "Ла Масия" академияси мураббийлари Роналдиньонинг ўғли кўрсатган ўйиндан ҳайратда қолгани йўқ. Шу боис, афсонанинг шахсан ўзи ўғлининг ўйинини мураббийлар томоша қилиши учун ўртоқлик учрашуви ташкил этди. Бундан сўнг Хавьер Савиола бошчилигидаги мураббийлар штаби Жоао Мендес билан шартнома тузишга қарор қилди. Шунга қарамай, улар футболчининг Каталония академиясидан "ёриб" чиқиши эҳтимолини жуда паст эканлиги ҳақида кўп бор таъкидлашмоқда. Бу келишувни имзолашда бош-қош бўлган клуб президенти Жоан Лапорта эса, Роналдиньонинг фарзанди иккинчи имкониятни қўлдан чиқариб юбормаслигига ишонмоқда. Худди, Мендеснинг отаси сингари.

Жоао — 178 см. бўйга эга хужумчи. Шунингдек, вин-

Натижада, 13 ёшли бўлажак футболчи "Крузейро" клуби ёшлари сафига бориб қўшилди. Бу келажақда яхшигина активга айланишини ҳис қилган клуб 2025 йилга қадар тузилган шартнома таклиф этади. U14 жамоаси сафига Хитойда ўтган мусобақани "ёндирган" Жоао тезда машҳур бўлиб кетди. Унинг афсонавий Роналдиньонинг ўғли эканлиги бунда катта роль ўйнагани аниқ, йигитча ҳам чакки эмас эди. ПСЖ бу сафар уни Парижга чорлади, бироқ, 15 ёшли болакай Бразилияда қолишни афзал кўрди. Бу орада, "Nike" компанияси у билан ҳомийлик шартномасини имзолади.

Афсуски, вақт ўтган сари унинг тенгдошлари жисмонан бақувватлашиб борди. Уларнинг фониди техникаси кучли озгин йигитнинг ажралиб туриши мураккаблашиб кетди. Натижада, ўтган йилнинг бошида "Крузейро" ўртадаги шартномани бекор қилди. Мана бир йилдир-ки, Жоао Мендес ўзи учун жамоа излаш билан



гер ва хужум ортидаги ярим ҳимоячи позицияларида ҳам тўп суриши мумкин. Скаутларнинг айтишича, майдондаги ҳаракатлари отасини эслатиб юборар эмиш. Қаҳрамонимиз ўзининг футболдаги илк қадамларини "Фламенго"да ташлади. Кейинроқ, ПСЖ-ни Бразилиядаги академиясига кўчиб ўтди. У ерда Мендес иқтидорли эканлигини кўп бор таъкидлашганига қарамай, Парижга таклиф этишгани йўқ.

банд. Ваҳоланки, Хитойдаги мусобақадан сўнг "Барселона" скаутлари уни бўлажак Месси деб эътироф этишган эди. Ҳозир "кўк-аноранглилар" уни жамоага қабул қилган, бироқ, ҳали тиббий кўрикдан ўтгани йўқ. Ишга Роналдиньонинг қалин дўсти — Жоан Лапорта аралашганини инобатга олсак, йигитча "Барса" билан деярли келажагини боғлади. Энди арава ни тортиб кетиш тўлиқ унинг ўзига боғлиқ.

Саҳифани Яхёҳўжа УЛУҒҲЎЖАЕВ, тайёрлади.



МУАССИС:

"HAMKOR PRESS" MCHJ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида
2021 йил 19 майда
1181 рақам билан
қайта рўйхатта олинган
Индекс: 460
e-mail:
hamkor.press@mail.ru

Газета "Hamkor press" таҳририяти компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Нашр учун масъул:
Н. ЙУЛДОШЕВА
Саҳифаловчи:
А. КАБИРОВ
Манзилимиз:
Андижон шаҳри,
105100, Бобуршоҳ кўчаси 53-уй.
Тел: 78 298-01-07

"ZAKOVAT" NASHRIYOT UYI MCHJ bosmaxonasida chop etiladi. Bosmaxona manzili: Kосонсой шаҳри, Чорбоғ кўчаси, 17-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00

Топширилди - 20.00

Қоғоз бичими - А3

Буюртма: Адади: 7530

1 2 3 4 5 6

Ҳажми 2 босма тобқ.

ISSN 2181-9734



Сотувда келишилган нархда.